

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

26 июль 2018 й.г. № 584

Toshkent sh.

**Автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш
ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республикада охирги йилларда амалга оширилаётган ва минтақаларнинг саноат салоҳиятини оширишга, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган кенг кўламли ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар иктисодий алоқалар интенсивлигини оширишнинг ва мамлакат иктисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида йўл-транспорт инфратузилмасини янада жадал ривожлантиришни талаб қиласди.

Бу йўналишда йирик инфратузилма объектларини қуриш, замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, энг муҳим транзит транспорт йўлларини, шу жумладан “Тошкент–Термиз”, “Самарқанд–Бухоро–Олот”, “Ғузор–Бухоро–Қўнғирот–Бейнау”, “Тошкент–Чимён–Чорвок дам олиш зонаси” транспорт йўлларини комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Сиргали мавзесини айланиб ўтадиган янги йўналиш бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлида тўлиқ қатнов таъминланди. Тошкент, Нукус, Бухоро шаҳарларида мураккаб транспорт чорраҳалари, шунингдек йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтиш йўллари қурилди. 2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури доирасида 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирланди, шунингдек, 265 километрли умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қайта қуриш ишлари бажарилди.

Шу билан бирга, автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш, йўл ҳаракатини ахборотлар билан таъминлаш, йўл бўйидаги инфратузилмани ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларга ҳанузгача лозим даражада эътибор қаратилмаяпти. Қуйидагилар бундай ҳолатнинг асосий сабаблари ҳисобланади:

биринчидан, автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш ҳамда ривожлантиришга доир норматив ҳужжатлар ҳалқаро стандартларнинг замонавий талабларига мос келмайди. Жумладан, 1970–80 йилларда ишлаб чиқилган амалдаги стандартларни янгилаш, шу жумладан светофор билан тартибга солиш, йўлдаги тўсиқларни, йўл устига чизиклар тортиш ва йўл белгиларини қўллашга доир стандартларни янгилаш талаб этилади;

иккинчидан, йўл белгиларини ишлаб чиқариш ва ўрнатишга доир ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга, йўл устига нур қайтарувчи хусусиятга эга замонавий технологиялар асосидаги бўёқдан, шунингдек, бошқа сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда ўчиб кетмайдиган чизиклар тортишга тизимли ёндашилмаяпти. Республика автомобиль йўлларида ўтказилган хатлов натижаларига кўра 70 мингдан ортиқ эскирган йўл белгиларини алмаштириш, шунингдек, қўшимча равишда 136 мингдан зиёд янги кўрсаткичлар ўрнатиш зарурлиги аниқланди;

учинчидан, автомобиль йўлларини, айниқса халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларини кўрсаткич белгилари билан, шу жумладан чет тиллардаги кўрсаткич белгилари билан жиҳозлаш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаган;

тўртинчидан, йўл инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида малакали кадрлар етишмайди, йўл ҳаракатини тартибга солиш соҳасида шу соҳага ихтисослашган етакчи хорижий ташкилотлар билан тажриба алмашишни ташкил этишга доир ишлар тизимли олиб борилмаяпти.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун юқори даражада қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар амалга оширилаётган 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доирасида йўл инфратузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи – йўл устига чизиклар тортишда, йўловчилар ўтиш жойларини, автомобиль йўллари кесишадиган ва туташадиган жойларни, автомобилларнинг қисқа муддат тўхтаб туриш ва тўхташ жойларини куришда инновацион ишланмаларни ҳамда нур қайтарувчи материалларни қўллаш асосида йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш;

иккинчи – йўл ҳаракати иштирокчиларини йўналиш бўйлаб сифатли навигация билан таъминлайдиган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини, шу жумладан чет тиллардаги йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини етарли микдорда ўрнатиш орқали “тапирадиган йўл” принципи бўйича йўл ҳаракати иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш;

учинчи – автомобиль йўллари фойдаланувчиларига юқори даражада қулайлик яратиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, йўл бўйи худудларини тўлиқ кўкаломзорашибтириш, обод қилиш ва меъморий-ландшафт лойиҳасини тузиш, мазкур худудларда инфратузилма объектларини оқилона қуриш хисобига транспорт воситаларининг экологияга салбий таъсирини камайтириш;

тўртинчи – ахборот-коммуникация технологияларини, техник воситалар ва дастурий маҳсулотларни автомобиль йўлларини қуриш, тўғрилаш ва улардан фойдаланиш жараёнига кенг жорий этиш;

бешинчи – йўлларни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш ва худудларни обод қилиш, шунингдек, тартибга солишнинг техник воситаларига қўйилган замон талабларига жавоб берадиган, шунингдек, республика худудларининг табиий-иклим шароитларига мослаштирилган замонавий чидамли материаллардан, бутловчи, таркибий қисмлардан фойдаланиш хисобига автомобиль йўлларидан фойдаланишда ҳаражатларни камайтириш.

2. Куйидагилар:

2019-2023 йилларда йўл белгилари ишлаб чиқаришни ва уларни республика автомобиль йўлларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чизиқлар тортишни ташкил этиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-илова*га мувофик;

2019-2023 йилларда йўл белгиларини ишлаб чиқаришни ва республика автомобиль йўлларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чизиқлар тортишни ташкил этиш дастурини молиялаштириш параметрлари 2-иловага мувофик;

йўл белгилари ишлаб чиқаришни ва уларни республика автомобиль йўлларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чизиқлар тортишни ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Дастурни амалга ошириш доирасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини шакллантиришда уларнинг параметрларида йўл белгиларини ишлаб чиқариш, уларни хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларига, шаҳарлар, туман марказлари ва уларни бошқа аҳоли пунктлари кўчаларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чизиқлар тортишни ташкил этишни молиялаштириш учун бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг асослантирилган талабномалари бўйича йўл белгилари ишлаб чиқаришни ва уларни умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чизиқлар тортишни ташкил этиш учун зарур маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминласин;

Дастур параметрларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини сўзсиз таъминлаш учун шахсий жавобарлик Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг раиси, Молия вазири, Ички ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимлари зиммасига юклансин.

4. “Uzavtoyo’lbelgi” ДУК “Ўзэлтехсаноат” АЖ билан биргаликда икки ой муддатда энергия тежовчи технологиялар ва қуёш энергияси манбаларидан фойдаланган ҳолда электрон йўл белгиларининг, энг аввало, ахборот-кўрсаткич ва огоҳлантириш белгиларининг намуналарини ишлаб чиқсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб уларни ишлаб чиқаришни ҳамда магистрал автомобиль йўллари ва марказий шаҳар кўчаларига ўрнатишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда замонавий ҳалқаро стандартларни ва ранглар гаммасига тоифаланган ёндашувни, яъни яшил рангли ахборот-кўрсаткич белгиларидан кўпроқ фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўлларини йўл белгилари билан жиҳозлаш, йўл устига чизиқлар тортиш ва йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа элементларни ўрнатишга қўйилган талабларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

потенциал хорижий ҳамкорни аниқлаган ҳолда йўл белгиларини, йўл устига тортиладиган чизиклар ва йўл ҳаракатини тартибга соловчи бошқа элементлар учун бўёклар ва термопластни ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклиф киритсин;

йўл инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги Цинъдао шахрининг Лойиҳалаш ва режалаштириш институти (Хитой Халқ Республикаси) билан ҳамкорликни ташкил этиш масаласини икки ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда йўл бўйидаги инфратузилма обьектларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкалари бериш, шунингдек, уларнинг зиммасига автомобиль йўллари атрофидаги худудларни кўкаламзорлаштириш ва обод қилиш мажбуриятларини юклаш, давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этиш бўйича таклифни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йилда “Тошкент–Самарқанд” йўналиши бўйлаб узунлиги 5 километр бўлган М-39 автомобиль йўллари участкаларини ва “Гулистон–Даштобод” йўналиши бўйлаб узунлиги 5 километр бўлган М-34 автомобиль йўллари участкаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича дастлабки лойиҳаларни амалга оширасин, энергиянинг муқобил манбалари асосида кўча чироқлари ва йўлни тартибга соловчи техник воситаларни, светодиодлар ва нур қайтаргичлардан фойдаланган ҳолда йўл белгиларини, шунингдек, автомобиль йўллари атрофидаги худудлар ландшафтини лойиҳалаштириш ва уларни кўкаламзорлаштиришнинг замонавий элементларини ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда бутун йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш доирасида йўл устига чизиклар чизишда ишлатиладиган бўёклар, термопласт, техник воситалар ва йўлни тартибга соловчи бошқа элементларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи, таркибий қисмларни, хомашё ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда тармоқлараро кооперация дастурини уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамгармасининг қўйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибида:

“Махсусийўлқурилиш” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда “Махсусийўлқурилиш” ДУК деб аталади) ташкил этиш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш доирасида цементбетон қопламали автомобиль йўллари қурилишини ҳисобга олиб, замонавий илгор инновацион технологияларни ўрганиш ва жорий этишини мазкур ДУК фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилаш;

автомобиль йўлларини йўл белгилари билан жиҳозлаш, йўл устига чизиқлар тортиш ва йўл харакатини тартибга солувчи бошқа элементлар ўрнатиш бўйича илғор хориж амалиётини қўллаш асосида лойиҳавий ишларни ташкил этишининг замонавий технологиялари ҳамда прогрессив усулларини жорий этган ҳолда йўл инфратузилмаси лойиҳаларини ишлаб чиқиши учун жавоб берадиган “Ўзйўллойиҳа” лойиҳа-қидирув институти давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда “Ўзйўллойиҳа” ДУК деб аталади) ташкил этиш;

б) йўл белгилари, йўл устига тортиладиган чизиқлар учун бўёклар ва термопластнинг стандартларга жавоб беришини таҳлил қилиш ва уларни синовлардан ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган лабораторияни “Uzavtoyo’lbelgi” ДУК тузилмасида ташкил этиш, уни кўчириладиган ва турғун лабораториялар билан жиҳозлаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасида юридик шахс ташкил этмай Инновацион ривожланиш жамғармасини тузиш, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва уларни ривожлантириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, технологик ишларни ўтказиш доирасида қўллаб-қувватлаш, автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги янги ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда интеллектуал тизимларни, техник воситаларни ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий этишини мазкур жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

“Махсусйўлқурилиш” ДУК ва “Ўзйўллойиҳа” ДУКнинг тузилмаси, уставлари белгиланган тартибда тасдиқланишини, шунингдек, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини бир ой муддатда таъминласин;

Инновацион ривожланиш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, жамғармани ташкил этиш манбаларини ва маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти билан биргалиқда “Шаҳарлардаги йўл бўйи худудларининг энг яхши ландшафт дизайни” номи учун шаҳарлар ўртасида йиллик танловлар ўтказиш бўйича таклифларни уч ой муддатда киритсан;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргалиқда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида “Автомобиль йўллари эстетикаси”, “Йўл бўйи худудларининг ландшафт дизайни”, “Йўл устига чизиқлар тортиш”, “Йўл харакатини ташкил этиш” йўналишлари бўйича техник кадрлар малакасини ошириш курслари ташкил этилишини таъминласин, зарурат бўлса, хорижнинг етук мутахассисларини ўқитувчилар сифатида жалб қилсан.

9. Тошкент шахри ҳокимлиги “Ўзйўллойиҳа” ДУК, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги ва “ТошкентбошлиланЛИТИ” ДУК билан биргалиқда марказий шаҳар кўчаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишида йўловчилар ўтиш жойларини ускуналаш ва техник тартибга солиш воситалари билан жиҳозлашни, шу жумладан кўзи ожизларни мазкур соҳадаги илғор хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда овозлар ёрдамида қўллаб-қувватлашни назарда тутсан.

10. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институти, Тошкент аграр университети, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда йўл қопламасини шамол туфайли нурашидан, ер ости сувларидан, қор ва қум уюмларидан ҳимоя қилишни таъминлаш учун маҳаллий табиий-иклим шартшароитларини хисобга олган ҳолда автомобиль йўллари бўйлаб дараҳтлар экиш бўйича илмий асосланган тавсияларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига муҳандислик коммуникацияси тармоқларини қуриш ва таъмирлашда шаҳар кўчалари ва бошқа аҳоли пунктларининг йўл қопламасини демонтаж қилиш ҳамда тиклаш бўйича ишларни назорат қилиш функциялари юклансин, бунда, зарурат бўлса, ишлар сифатини бузганик ва ишларни тегишли рухсатларсиз бажарганлик учун маъмурий жавобгарликни кўлласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарувининг раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг раиси А.А. Абдувалиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.